



**ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАСHTИРИШ METROLOGIYA VA
SERTIFIKATLASHHTIRISH AGENTLIGI
QARORI**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 июндаги 345-сон қарори билан тасдиқланган, “Алкоголсиз ичимликларнинг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент кучга кириши билан ушбу техник регламент талабларига риоя этилиши таъминладиган стандартлаштиришга доир, ҳамда махсулотларнинг намуналарини олиш, синов ва ўлчов усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

“Алкоголсиз ичимликларнинг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент (кейинги ўринларда – техник регламент) кучга киритилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунининг 8 ва 22-моддаларига мувофиқ, “Ўзстандарт” агентлиги, **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

2021 йилнинг 1 декабрдан мазкур техник регламент талабларига риоя этилиши таъминладиган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

мазкур техник регламент билан тартибга солинувчи махсулотларнинг намуналарини олиш, синов ва ўлчов усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. СДНМБ (Р.Хуснуллин) ва Стандартлар институти (А.Хамдамов) мазкур техник регламент билан тартибга солинадиган махсулотларга янги стандартлар (барча тоифадаги) қабул қилиниши тўғрисидаги маълумотларни ҳар ой якуни билан Техник жиҳатдан тартибга солиш бошқармасига киритиб борсин.

3. ТЖТС бошқармаси (Д.Ходжикариев) тақдим этилган янги стандартларни белгиланган тартибда ушбу қарорнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар рўйхатига киритиб борсин.

4. АКТЖҚваРБ (Ф.Усманов) ва ТЖТСБ (Д.Ходжикариев) мазкур қарор билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар рўйхатлари “Ўзстандарт” агентлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

5. СЛМРБ (Ш.Иногамов) ва “UzTest” ДУК (А.Мустафаев) мазкур қарор билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар бўйича сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларининг аккредитация доирасини кенгайтириш чораларини кўрсин.

6. Ташкилий-назорат ва ижро интизоми бўлими (З.Гафуров) “Ўзстандарт” агентлиги тегишли тизим ташкилотларини мазкур қарор билан 2 кунлик муддатда таништирсин.

7. Ушбу қарор ижроси устидан назорат Бош директорнинг биринчи ўринбосари Д.Каттаходжаев зиммасига юклатилсин.

Бош директор



Д. Саттаров

**“Ўзстандарт” агентлигининг
“23” октябр 2020 йилдаги
ТР-17 – сонли қарорига
2-илова**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳудудида “Алкоголсиз ичимликларнинг хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент билан тартибга солинувчи маҳсулотларнинг намуналарини олиш, синов ва ўлчов усулларини белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар рўйхати

№	Норматив ҳужжат шартли белгиланиши	Норматив ҳужжатнинг номланиши
1.	ГОСТ Р 56219-2014 (ISO 17294-2: 2003)	Сув. Индуктив боғланган плазма билан масс-спектрометрия усули билан 62 та элементни таркибини аниқлаш усули
2.	ГОСТ 33045-2014 (ISO 6777: 1984, NEQ)	Сув. Азот ўз ичига олган моддаларни аниқлаш усуллари
3.	ГОСТ 31954-2012	Ичимлик суви. Қаттиқликни аниқлаш усуллари
4.	ГОСТ 23268.0-91	Минерал даволовчи ичимлик суви, даволовчи-ошхона ва табиий ошхона. Қабул қилиш қоидалари ва намуна олиш усуллари.
5.	ГОСТ 31954: 2012	Ичимлик суви. Қаттиқликни аниқлаш усуллари
6.	ГОСТ 33045: 2014	Сув. Азотли моддаларни аниқлаш усуллари
7.	ГОСТ 4386-89	Ичимлик суви. Фторидларнинг масса концентрациясини аниқлаш усуллари
8.	ГОСТ 4389-72	Ичимлик суви. Сульфатлар таркибини аниқлаш усуллари
9.	ГОСТ 4974-2014	Ичимлик суви. Марганец таркибини фотометрик усуллар билан аниқлаш
10.	ГОСТ 30059-93	Алкоголсиз ичимликлар. Аспартам, сахарин, кофеин ва натрий бензоатни аниқлаш усуллари
11.	ГОСТ 32037-2013	Алкоголсиз ва кам алкоғолли ичимликлар, квас. Карбонат ангидридни аниқлаш усули
12.	ГОСТ 33410-2015	Алкоголсиз, алкоғолсиз, шароб ва шарбат маҳсулотлари. органик кислоталарнинг таркибини юкори самарали суюқ хроматография усули билан аниқлаш
13.	ГОСТ 6687.2-90	Алкоголсиз саноат маҳсулотлари. Қуруқ моддаларни аниқлаш усуллари
14.	ГОСТ 6687.4-86	Алкоголсиз ичимликлар, квас ва сироплар. Кислоталикни аниқлаш усуллари
15.	ГОСТ 6687.6-88	Алкоголсиз ичимликлар, сироплар, квас ва нон Хом-ашёсидан тайёрланган ичимликлар. Қаршиликларни аниқлаш усули
16.	ГОСТ 18165-2014	Сув. Алюминий таркибини аниқлаш усуллари
17.	ГОСТ 18190-72	Ичимлик суви. Қолдиқ фаол хлор таркибини аниқлаш усуллари
18.	ГОСТ 18293-72	Ичимлик суви. Қўрғошин, рух, кумуш таркибини аниқлаш усуллари
19.	ГОСТ Р 53193-2008	Спиртли ва алкоғолсиз ичимликлар. Капилляр электрофорез йўли билан кофеин, аскорбин кислота ва унинг тузлари, консервантлар ва (ширин таъм бериш учун ишлатиладиган моддалар)ни аниқлаш усуллари
20.	ГОСТ 31862-2012	Ичимлик суви. Намуна олиш
21.	ГОСТ 6687.7-88	Алкоголсиз ичимликлар ва квас. Спиртни аниқлаш усули

22.	ГОСТ 30712-2001	Алкоголсиз саноат маҳсулотлари. Микробиологик таҳлил усуллари
23.	ГОСТ 26927-86	Хом-ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Симобни аниқлаш усуллари
24.	ГОСТ 26929-94	Хом-ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Намуналарни тайёрлаш. Токсик элементларнинг таркибини аниқлаш учун минерализатсия
25.	ГОСТ 26930-86	Хом-ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Мишякни аниқлаш усуллари
26.	ГОСТ 26932-86	Хом-ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Қўрғошини аниқлаш усуллари
27.	ГОСТ 26933-86	Хом-ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Кадмийни аниқлаш усуллари
28.	ГОСТ 30178-96	Хом-ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Токсик элементларни аниқлаш учун атомни ютилиш усули
29.	ГОСТ 31628-2012	Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом-ашёси. Мишякнинг масса концентрациясини аниқлашнинг инверсия-волтамметрик усули
30.	ГОСТ 31659-2012	Озиқ-овқат маҳсулотлари. Салмонелла бактерияларини аниқлаш усули
31.	ГОСТ 10444.12-2013	Озиқ-овқат ва ҳайвон озуқа микробиология. Ачитқи ва моғор замбуруғлари сонини аниқлаш ва санаш усуллари
32.	ГОСТ 10444.15-94	Озиқ-овқат маҳсулотлари. Мезофил аероб ва факультатив-анаероб микроорганизмлар сонини аниқлаш усуллари
33.	ГОСТ 25555.3-82	Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш маҳсулотлари. Минерал аралашмаларини аниқлаш усуллари
34.	ГОСТ 26313-2014	Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш маҳсулотлари. Қабул қилиш қоидалари, намуна олиш усуллари
35.	ГОСТ 26671-2014	Мева-сабзавотни қайта ишлаш маҳсулотлари, гўшт консервалари ва гўшт етиштириш маҳсулотлари. Лаборатория синовлари учун намуналарни тайёрлаш
36.	ГОСТ 31858-2012	Ичимлик суви. Хлор органик пестицидларнинг таркибини газ-суюқлик хроматографияси билан аниқлаш усули
37.	ГОСТ 31643-2012	Шарбатли маҳсулотлар. Аскорбин кислотани юқори самарали суюқ хроматография усули билан ажратиш
38.	ГОСТ 31669-2012	Шарбатли маҳсулотлар. Сахароза, глюкоза, фруктоза ва сорбитолни юқори самарали суюқ хроматография усули билан ажратиш
39.	ГОСТ 31714-2012	Шарбат ва шарбат маҳсулотлари. Идентификация. Масса-спектрометрия ёрдамида барқарор углерод изотопларини аниқлаш
40.	ГОСТ 31715-2012	Шарбат ва шарбат маҳсулотлари. Идентификация. Барқарор водород изотопларини масс-спектрометрия билан ажратиш
41.	ГОСТ 31717-2012	Шарбат ва шарбат маҳсулотлари. Идентификация. Аскорбин кислотани ферментатив усул билан ажратиш
42.	ГОСТ 31718-2012	Шарбат ва шарбат маҳсулотлари. Идентификация. Масс-спектрометрия ёрдамида барқарор кислород изотопларини аниқлаш
43.	ГОСТ 31904-2012	Озиқ-овқат маҳсулотлари. Микробиологик тажрибалар учун намуна олиш усуллари